



Фаровон ҳаётга фақат ҳою-ҳавас билан эришилмайди

3-с.

"Оилага тайёрлаш марказига маҳалладан тавсия берилса..."

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№45
(2373)**

**2026 йил
6 ИЮНЬ,
ШАНБА**

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — "МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ"

ЖАРАЁН

Мурожаатларнинг аксарияти жамоатчилик ҳаётига дахлдор

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Куронбоев ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги масъуллари иштирокида Марғилон шаҳрида сайёр қабул ўтказилди.



Унда Фарғона вилоятининг 19 та туман ва шаҳридан келган фуқаролар 150 дан ортиқ масалада мурожаат қилди. Улар, асосан, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар, бандлик, ижтимоий ҳимоя ва аҳолини қийнаётган бошқа долзарб масалаларга оид бўлди. Айрим муаммолар жойида ҳал этилган бўлса, қўшимча ўрганиш талаб этадиган мурожаатлар юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига аниқ вазифа ва топшириқлар берилди. Эътиборли жиҳати шундаки, мурожаатларнинг қарийб 90 фоизи шах-

сий манфаат эмас, балки маҳалла, қўча ва жамоатчилик ҳаётига дахлдор масалаларни қамраб олди. Бу эса юртдошларимизнинг ўз худуди тақдирига бефарқ эмаслиги, маҳалла раҳбарлари ва аҳоли фаровонлиги учун фаол фуқаролик позициясини намоён этаётганининг ёрқин ифодасидир. Учрашув давомида фарғоналикларнинг фаоллиги, очиқ мулоқотга тайёрлиги ва ҳаётий тақлиф-мулоҳазалари алоҳида эътироф этилди. Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни ташвишга солаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш ҳамда инсон қадр ва ҳаёт сифатини юксалтириш барча даражадаги раҳбар ва масъулларнинг устувор вазифаси бўлиб қолиши таъкидланди.

"ТОП-100": СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

МАҲАЛЛАГА ФАЙЗ БЕРГАН ҲИҚМАТ, БУ — КЕКСАЛАРНИНГ ҲАЁТ САБОҒИ, ЁШЛАРНИНГ ОДОБ ВА ЭҲТИРОМИ



Маҳалламизнинг "ТОП-100" таликдан ўрин олгани нафақат "еттилик", балки барча аҳоли вакиллари учун юксак эътироф бўлди.

Зеро, бугун маҳаллалар фаолияти самарадорлигини баҳолашда фақат рақамлар эмас, худуддаги маънавий муҳит, аҳоли бирдамлиги, оилалар мустаҳкамлиги ва инсон қадрининг таъминлангани ҳам муҳим мезон сифатида қаралмоқда. Маҳалламиз тоғли худудда жойлашган бўлиб, қарийб 1 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Табиатнинг бетакрор гузалиги, туризм салоҳияти ва энг муҳими, аҳолининг аҳиллиги худуднинг ўзига хос жиҳатларидан саналади. Бироқ ҳар қандай натижанинг ортида тизимли меҳнат, ҳамжиҳатлик ва ўзаро масъулият ётади.

Давоми 2-саҳифада.

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА



ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКДАН ХОЛИ МАҲАЛЛА — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ МАНЗИЛИ

Иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим мезонларидан бири, бу — аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш ҳисобланади. Бугунги натижалар шуни кўрсатмоқдаки, айти йўналишларда умумий ёндашув эмас, балки ҳар бир оила ва ҳар бир фуқаро билан манзилли ишлаш тамойили ўз самарасини бермоқда.

Ишсизлик фақат даромаднинг йўқлиги эмас. У инсоннинг ўз кучига бўлган ишончи пасайишига, ижтимоий фаоллиқнинг сустлигига ва айрим ҳолларда ижтимоий муаммоларнинг кучайишига ҳам сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, банд қилинган ҳар бир фуқаро, бу — статистикадаги навбатдаги рақам эмас, балки ўз ҳаётида анги имконият эшигини очган инсон демакдир.

Йил бошида 460 минг 186 нафар ишсиз фуқарони банд қилиш бўйича аниқ манзилли режа ишлаб чиқилган эди. Бугунга келиб, мазкур режанинг 80,2 фоизи бажарилди, яъни 369 минг 191 нафар фуқаро доимий даромад манбаи билан таъминланди.

Эътиборли жиҳати шундаки, бандликни таъминлаш фақат ишга жойлаштириш билан чекланиб қолмайпти. Масалан, 178 минг нафардан зиёд фуқаро ўзини ўзи банд қилиш имкониятига эга бўлди, 36 минг нафардан зиёди тадбиркорликка жалб қилинди. Бу — аҳоли орасида ташаббускорлик ва тадбиркорлик муҳити шаклланаётганидан далолат беради. Чунки барқарор иқтисодиёт фақат иш ўрни изловчилар ҳисобига эмас, балки иш ўрни яратувчилар ҳисобига ҳам ривожланади.

Давоми 2-саҳифада.

6-саҳифа



"МАСОФА ВА ФАСЛЛАР МАҚСАДГА ТЎСИҚ ЭМАС"

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh



8-саҳифа



"ЖИНОЯТНИ КУЧ БИЛАН ЭМАС, АҚЛ БИЛАН ЖИЛОВЛАЙМИЗ"

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

ЎЗБЕК МАҲАЛЛАСИДАН МАНЧЕСТЕРГАЧА:

Бугун миллионлаб юртдошларимиз футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионатидаги уйинларини катта ҳаяжон билан кутмоқда. Минглаб нигоҳлар футболчиларга қадалган. Ҳар бир уйинчи майдонда бор кучи, маҳорати ва матонатини намоён этишга интилади.

меҳнатсеварлик, интизом ва камтарлик — оддий қорақўз йигитнинг муваффақият сирини

Ана шундай маҳоратли футболчилардан бири, шубҳасиз, нафақат терма жамоа, балки ўз жамоасининг ҳам химоядаги ишонч тимсолига айланиб улгурган **Абдуқодир Хусановдир**. Унинг истеъдоди, қатъияти терма жамоамиз муваффақиятларида муҳим ўрин тутди.

Давоми 5-саҳифада.





“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ —
МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”



МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

“ТОП-100”: СИЗНИНГ
ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА
ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКДАН
ХОЛИ МАҲАЛЛА — ТАРАҚҚИЁТНИНГ
ЭНГ ИШОНЧЛИ МАНЗИЛИ

МАҲАЛЛАГА ФАЙЗ БЕРГАН ҲИҚМАТ, БУ —
КЕКСАЛАРНИНГ
ҲАЁТ САБОҒИ, ЁШЛАРНИНГ
ОДОБ ВА ЭҲТИРОМИ

Давоми. Бошланғич 1-саноқда.

Давоми. Бошланғич 1-саноқда.

Камолитдин ЮСУПОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
бўлим бошлиғи.

МАҲАЛЛА ИҚТИСОДИЁТИ —
ЯНГИ ИШ УРИНЛАРИ МАНБАИ

Аваллари маҳаллага кўпроқ ижтимоий муносабатлар ва кўшничлик муҳити билан боғлиқ тушунча сифатида қаралган бўлса, бугун у иқтисодий тараққиётнинг муҳим “драйвер”ига айланди. Янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларининг бевосита маҳаллаларда ташкил этилиши одамларнинг яшаш жойи билан меҳнат фаолияти ўртасидаги масофани қисқартирмоқда. Шу мақсадда 2 768 та маҳаллада 825 миллиард сўмлик қарийб 9 мингта саноат ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари амалга оширилди. Натижада 20 мингта кўшимча янги иш ўрни яратилди. Айниқса, “Маҳаллада саноат ва хизмат” тамойили аҳолига иш излаб бошқа ҳудудларга чиқиб кетмасдан, ўз маҳалласида меҳнат қилиш имконини яратётгани билан аҳамиятлидир.



Натижада 53 минг 970 та оила манзилли кўмак ва иқтисодий фаолликни ошириш чоралари орқали камбағалликдан чиқарилди. Бу кўрсаткичлар давлат кўрсатётган ижтимоий ёрдамнинг шунчаки нафақа ёки моддий кўмак бериш билан чекланмаётганини, балки оилаларнинг мустақил даромад топишига шароит яратишга қаратилганини аниқлатади.

КАМБАҒАЛЛИКҚА ҚАРШИ
КУРАШДА ЯНГИ ЁНДАШУВ

Камбағалликни қисқартириш бора-сори ҳам муҳим натижалар қайд этилмоқда. Бугунги кунда 355 мингдан ортиқ камбағал оила ҳолати ўрганилиб, улар эҳтиёж даражасига қараб “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратилди. Бундай таснифлашнинг асосий афзаллиги шундаки, ҳар бир оила билан унинг аниқ эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаш имкони яратилади. Зеро, ҳар бир оиланинг муаммоси турлича. Кимгадир иш керак, кимгадир касб, яна кимгадир тадбиркорлик учун маблағ ёки маслаҳат зарур. Муаммонинг ечими ҳам айнан эҳтиёжга мос бўлгандагина самара беради.

Айни пайтда 1 720 та маҳалла ишсизликдан, 609 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудуд сифатида қайд этилгани ислохотларнинг энг муҳим натижаларидан бири ҳисобланади.

Йил якунига қандай марралар белгиланган?
Олдимизда турган вазифалар жуда масъулиятли. Йил якунига қадар 996 минг 132 нафар фуқарони банд қилиш режалаштирилган.
Шунингдек:
• 7 300 та янги саноат ва хизмат кўрсатиш лойиҳасини ишга тушириш орқали 80 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади;

• 263 мингта камбағал оиланинг даромади оширилади;
• 20 мингдан зиёд фуқаро замонавий касбларга ўқитилади;
• 563 та чегара ва анқлав маҳаллада 1 273 та янги лойиҳа амалга оширилиб, 43 минг киши иш билан таъминланади;
• “Маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарори асосида норасмий бандликни легаллаштириш бўйича янги тизимлар жорий этилади.

Йил якунига қадар 4 500 та маҳалланинг ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айланиши, камбағаллик даражасининг 2,8 фоизга, ишсизликнинг 4,5 фоизга пасайиши — асосий мақсадимиз саналади. Бу эса рақамлардан ҳам муҳимроқ натижа — аҳоли турмуш сифати ва ҳаётдан розилигининг ошишини аниқлатади.

Алишер РУСТАМОВ,
Бўстонлик туманидаги “Янгиқўрғон” маҳалласи раиси.

Йил бошида ишсиз деб рўйхатга олинган 32 нафар фуқаронинг 20 нафари мавсумий ишларга, хусусан, “Бурч-мулло”, “Конструктор” оромгоҳларига ишга жойлаштирилди. 8 нафари томорқада ўзини ўзи банд қилиш орқали даромадли меҳнат билан таъминланди. Шунингдек, меҳнат миграциясида бўлган 12 нафар фуқаро Ватанга қайтарилиб, даромад манбаи яратилишига кўмаклашилди. Энг муҳими, камбағаллар рўйхатида турган 4 та оиланинг ҳаммаси мазкур тоифадан чиқарилди. Жумладан, Парвина Хусанова, Хусния Сайдалиева ва Алишер Музафаров кредит асосида уй меҳмонхоналар ташкил этди. Дилноза Мирзаева оила аъзолари билан мавсумий ишларга жалб этилди.



Маҳалламизда оилавий ажралишлар кузатилмаган. Бунинг асосий сабаби — ҳудудимизда ёши улуглар, кайвонилар ва нурунийларнинг сўзи ҳали-ҳамон катта қучга эга.

Бугунги тезкор замонда айрим муаммоларни бир зумда ҳал этишга уринамиз. Аммо оила — сабр, мулоҳаза ва ўзаро тушунишни талаб қиладиган муқаддас маскан. Шу боис ёшлар турмушдаги илк қийинчиликларга дуч келганда, аввало, катталар билан маслаҳатлашади. Қайсидир хондонда тушунмовчилик пайдо бўлса, уни суд ёки бошқа идоралар эмас, кўпинча оқсоқоллар ва кайвониларнинг оқилона гапи бартараф этади. Халқимизда “Қариси бор уйнинг париси бор”, деган ҳикमत бежиз айтилмаган. Биз бунинг ҳақиқий маъносини ҳар куни ҳаётимизда кўриб турибмиз. Ёшлар катталарнинг гапини икки қилмаган, уларнинг дуоси ва маслаҳатини қадрлаган жойда

баракани ҳам, тотувлик ҳам, натижа ҳам бўлади. Шунинг учун ҳар қандай муаммонинг ечимини, аввало, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, катталарнинг ҳаётий тажрибасидан ва ёшларнинг улурга бўлган ҳурматидан излаймиз.

Тажрибадан келиб чиқиб, фаолиятида айрим камчиликлар сақланиб қолаётган маҳаллаларга, аввало, аҳоли билан жонли мулоқотни қучайтиришни тавсия қилган бўлар эдим. Чунки муаммони хондонларга кириб, одамларнинг дарди ва ташвишини тинглаб туриб англаш мумкин. Айнан самимий суҳбат, оқилона маслаҳат ва инсонга бўлган эҳтибор кўпгина масалаларни ҳал этади. Энг муҳими, ҳар бир оила билан манзилли ишлаш керак. Агар ҳар бир хондон эҳтиборда бўлса, ҳар бир инсон ўзини қадрлаган, деб ҳис қилса, маҳаллада ҳам ижтимоий муҳит, ҳам тараққиёт, ҳам баракани бўлади.

Бугунги натижаларимиздан мамнунмиз, аммо улар билан чекланиб қолмоқчи эмасмиз. Чунки халқимизда “Бирлик бор жойда баракани бор”, деган ҳикमत бежиз айтилмаган. Ана шу бирлик, ўзаро меҳр-оқибат ва миллий кадриятларга таянган ҳолда маҳалламизни янада ривожлантириш, ҳар бир хондонга фаровонлик ва бахт олиб кириш бундан бўён ҳам энг устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

“ҲУДУДИМИЗ КАТТА,
ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ВА
МАСЪУЛ КОТИБГА ЭҲТИЁЖ БОР...”

Маҳалламиз ҳаётида мебель саноати корхонасининг ташкил этилгани ҳақиқатан ҳам муҳим воқеа бўлди. Энг муҳими, мазкур корхонада 648 та янги иш ўрни яратилди.



Фахриддин МАҲМУДОВ,
Хонқа туманидаги
“Дўстлик” маҳалласи раиси.

Маҳалламиз инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 17 километр йўл асфальтланди, ариқ ва зовурларнинг четлари бетонлаштирилди. Аҳолининг хавфсиз ва қўлай ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида 1,6 километр пидедалар йўлакчаси барпо этилди. Электр таъминотини мустаҳкамлаш учун иккита янги трансформатор ҳамда замонавий симёғочлар ўрнатилди. Шунингдек, 320 ўринли янги мактаб фойдаланишга топширилди.

Албатта, бу ютуқларнинг барчаси маҳалламизда қарор топган ҳамжиҳатлик ва бирдамлик самарасидир. Маҳалла фаоллари, “еттилик” вакиллари, нурунийлар ҳамда ташаббускор фуқароларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли қўллаб-эзгу ишлар амалга ошмоқда.

Бирок бугунги кунда аҳолини қийнаётган асосий масалалардан бири — сугориш суви таъминоти бўлиб қолмоқда. Ёзнинг иссиқ кунлари бошланиши билан сув тақчиллиги янада сезилади. Айрим ҳудудларда сугориш сувининг экин майдонларига ўз вақтида етиб бориши қийинлашмоқда. Шу боис мазкур муаммони ҳал этиш аҳоли учун долзарб аҳамият касб этади.

Айни пайтда маҳалламизда 9 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Ҳудуднинг кенгайиши, кўп қаватли уйлар сони ва аҳоли кўпайиши айрим хизматларга бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Жумладан, профилактика ишларини янада самарали ташкил этиш мақсадида маҳаллага кўшимча бир нафар профилактика инспектори бириктирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, ҳужжатлар билан ишлаш ҳажми йил сайин ортиб бораётганини ҳисобга олиб, маҳаллага кўшимча масъул котиб штати ажратилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу аҳолига кўрсатилётган хизматлар сифатини янада яхшилаш имконини беради.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Жойларда “Маҳалла лигаси” спорт мусобақалари ҳамда “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” касбий маҳорат танловининг куйи босқичлари қизгин давом этмоқда.

ҒАЛАБА РУҲИ ВА БУНЁДКОРЛИК
САЛОҲИЯТИ УЙҒУНЛАШГАН

Маҳалла лигаси мусобақаларида маҳаллаларда истиқомат қилувчи 30 ёшдан юқори аҳоли вакиллари спортнинг етти тури бўйича ўзаро беллашмоқда.

Жумладан, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида мини футбол бўйича сектор босқичи бўлиб ўтди. Унда 345 нафар маҳалла фаоли иштирок этди. Ҳар бир учрашув қизгин ва муросасиз курашларга бой тарзда кечди. Яқиний натижаларга кўра, “Урта Сортелп”, “Уртовул”, “Кен Кичик” ва “Ахлобод” маҳаллалари жамоалари голиб деб топилди, мусобақанинг туман босқичига йўллангани кўлга киритди.

“Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” касбий маҳорат танловида эса 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган техникум ва олий таълим муассасалари талабалари, шунингдек, вақтинча банд бўлмаган ёшлар иштирок этмоқда. Танлов меҳнат бозорига энг юқори талабга эга бўлган ўрта йўналиш-ни қамраб олган.



Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 3-сон техникумда танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда пайвандлаш ишлари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, ахборот технологиялари, дастурлаш, мода ва тикувчилик ишлаб чиқариши каби йўналишлар бўйича иштирокчиларнинг билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди.

Танлов қатнашчилари назарий билимлари ва амалий маҳоратини намоиш этиб, ўз касбий салоҳиятини кўрсатди. Яқунларга кўра, ҳар бир йўналиш бўйича энг муносиб иштирокчилар голиб деб топилди ва уларга танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланмалар топширилди.



Самарқандни "МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЯШИЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР ПОЙТАХТИ" деб эълон қилиш таклиф этилди.



Талаба ва ёшларга бизнес қилиши учун 2 МИЛЛИАРД СЎМГАЧА КРЕДИТ БЕРИЛАДИ.



Ўзбекистонда МИКРОМОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ ҲАЖМИ уч ойда 35,8 триллион сўмга етди.

2026 йил 6 ИЮНЬ, ШАНБА

Mahalla №45

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!



"ТОП-100": СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Бунёдкорлик Гўзал ният, эзгу амаллар Натижасидир

Ўзгаришлардан биз қувонмай, ким қувонсин?

Агар менда Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳақида сўрашса, биринчи бўлиб, маҳалламизни кўрсатаман. Худудимизга "Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла" мақоми берилгач, бу ердаги бунёдкорлик ишлари ислохотларнинг амалий ифодасига айланди.



Жами 4 368 нафар аҳоли истиқомат қилувчи худудимизда 698 га яқин тартибдаги уй-жойлар мавжуд. Эътиборлиси, инфратузилмани яхши-ланиши уларнинг янада тараққий этишига замин бўлди.

Ғайрат МАМАТКАРИМОВ, Зомин туманидаги "Бунёдкор" маҳалласи раиси.

Кўчаларимизнинг меъморий қиёфаси ўзгариши, одамлар ҳаёт тартибига янги руҳ, кўтаринки кайфият кириб келди.

Ташаббус доирасида аҳолини шу жойнинг ўзида бандлигини таъминлаш имконияти яратилди. Қолаверса, янги объектлар фойдаланишга топширилиш арасида турибди. Жумладан, 6 та кўча 4,5 км. узунликда асфальтланди, болалар ва спорт майдончалари, яшил хиёбон, пиёдалар йўли қурилди. Тунги ёритиш чироқлари, трансформатор ўрнатилди. Айти пайтада ишлар давом эттирилиб, экинларни суғориш учун насос, 100 та таянч устун ўрнатилди, 4,5 км. масофада электр тармоқ тортилиб, воркаут майдони қуриляпти.

Муҳим жиҳатларидан бири — янги, самарали тизим жорий этилиб, "еттилик" ходимлариға кўмак сифатида турли соҳа мутахассислари бириктирилди. 20 нафар ходим доимий равишда фуқаролар муаммоларини ўрганиш ва уларни барта-раф этиш билан шуғулланмоқда. Бу эса маҳаллани маъмурий бирликдан, ижтимоий марказга айлантиряпти.

Намунавий маҳалла мақоми зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Шу боис ёшлар бандлигини таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда эҳтиёжманд оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш ишлари жадаллик билан амалга ошириляпти.

Бир сўз билан айтганда, йўл дейсими, мактаб ёки ботчани, поликлиника, электр, сув, газ дейсими, ҳаммасида ўзгариш қилиш учун бирдек ҳаракат кетяпти. Бундан биринчи навбатда, шу ердаги одамлар руҳланяпти. Тўғри-да, ҳар қадамдаги ўзгаришлардан биз қувонмай, ким қувонсин? Шунданми, кайфияти тоғдек кўтарилган инсонлар, ҳашар ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этияпти. Маҳалла йиғинлари, кўчаларни ободонлаштириш, дарахт екиш, гулзорлар барпо этиш ҳамда турли маданий тадбирлар орқали худудда ҳам-жиҳатлик ва бирдамлик муҳити мустаҳкамланяпти.

ТАЖРИБА

Рўзғор бутлиги, кўнгил тўқлиги томорқадан

"Тепа Найманча" маҳалласи аҳолисининг аксарият қисми азалдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келади. Қайси уйга кирманг, бўш турган ерни кўрмайсиз. Ёзда очик майдонда, қишда иссиқхоналарда етиштирилган рўзғорбоп маҳсулотларнинг истеъмолдан ортгани бозорга чиқарилади.



Зоҳидаҳон КЕНЖАЕВА, Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари.

Масалан, Софияжон Ортиқова хонадонидан март ойи бошида экилган помидор ва бодринг пишиб, савдо дўконларига етказиб берилляпти. Кунга 50-60 килограмм помидорни харидорлар иссиқхонадан янги узилган ҳолда 12 минг сўмдан олиб кетишмоқда.

76 ёшли Омина она Ғойибназаровнинг оиласида эса чиройли гуллардан ташқари, узум, олма, шафтоли, урик, картошка, сабзи, помидор, бодринг парваришланяпти. Эътиборлиси, оиланинг барча аъзолари, жумладан, фарзанду набира-лар ҳам меҳнатга ўрганмоқда. Уста деҳқонлар ҳар фаслга қараб экин екишади, бозордан деярли сабзавот сотиб олишмайди.

Дарҳақиқат, томорқа — маданиятимиз, тарбиямиз кўзгуси. Остона хатлаб, ҳовлимизга кирган киши "отасига раҳмат" ёки "хайф", деган муносабатни кўнгилдан ўтказиши. Томорқа бандлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутаяди. Бундай имконияти бор хонадонни ишсиз оила деб, атасак хато бўлади.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

Халқимизда "Ётиб еганга тоғ чидамайди", деган мақол бекорга айтилмаган. Инсон меҳнати, ҳаракати ва рўзғор тутуми билан кадрли, ҳурматлидир. Зеро, ҳар биримиз яхши яшаш, янги уй-жой қуриш, фарзандларимизнинг камолини кўриш учун астойдил ҳаракат қиламиз. Бугун маҳалламиз аҳли шундай эзгу ният, қатъий амал билан ишляпти, яшяпти.

Фаровон ҳаётга фақат ҳою-ҳавас билан эришилмайди

бунинг учун тишимсиз меҳнат, изланиш ва ташаббус керак

Бобурхўжа ҚАҲҲОРОВ, Урта Чирчиқ туманидаги "Роватак" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Биз камбағалликни қисқартиришга моддий ёрдам бериш билан эмас, одамларнинг дунёқарашини ўзгариштириш орқали эришдик. Тўғри, туғма ногирон, бетобларга ўзгача эътибор қаратдик. Уларни тушундик. Аммо тўрт мучаси соғ инсонлар-чи? Назаримда, уларнинг фикру хаёллари ва дунёқарашини хаста. Қўлдан юмуш келадиган ёш кексага имконият ва имтиёзлар яратилган бир вақтда бирор-бир касб хунарининг бошидан тутмаслик боқимандалиқдан бошқа нарса эмас. Шу боис ишлашга имкони борларни ҳаракатга ундадик. Одамларни тайёр ёрдамга эмас, даромад келтирувчи соҳаларда бандлигини таъминладик.

"Усиш нуқта" миз лимончилик ва меъбел ясаш. Шундан келиб чиқиб, янги иш ўринлари яратяпмиз, ташаббусларни ҳаётга татбиқ этияпмиз. Ҳозирги кунда 100 дан ортиқ томорқада лимон, апельсин, мандарин каби цитрус мевалар етиштириляпти.

Уста деҳқон Баходирхон Саидмировнинг тажрибаси кўпчиликка намуна бўлди. 2025 йилда унинг иштирокида 120 та хонадонда лимон етиштириш йўлга қўйилди. Банк ва хомийлик маблағлари эвазига уларга 3 минг туп лимон кўчати етказиб берилди. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида 3 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Шу орқали 165 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди. Оилаларнинг ўртача даромади 40-45 миллион сўмга етди.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Соҳибжон СУННАТОВ. Ромитон тумани:

— Ҳоким ёрдамчилари зиммасига қандай вазифалар юклангани ҳақида маълумотга эгаман. Уларнинг ҳуқуқлари ҳақида ҳам билсам бўладими? Бу лавозим эгалари қандай ҳуқуқларга эга?

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА?

Маҳмудхўжа ПЎЛАТОВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходими:

— Ҳоким ёрдамчиларининг мансаб йўриқномасига кўра, бир қатор ҳуқуқларга эгаллиги белгиланган. Жумладан, туман ҳокимлиги тузилмаларидан зарур маълумот ва ҳужжатларни белгиланган тартибда олиши, "Энг яхши ҳоким ёрдамчиси" танловида қатнашиши, маҳаллада янгича бошқарув механизми жорий этиш ва маҳалла фаолиятини яхшилаш буйича таклифлар киритиши мумкин.

Шунингдек, ажратилаётган ресурслардан самарали фойдаланиш юзасидан доимий мониторингни амалга оширади. Иш фаолияти натижаларига кўра, Миллий кадрлар захирасига киритилади. Иш ҳақининг аввалги иш жойи буйича ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлган қисмини компенсация қилади.



Хонпошша Аҳмедова ҳам узоқ йиллардан бери деҳқончилик билан шуғулланиб келади. Ушбу оила томорқадан 3-4 марта хосил олади. Иссиқхонада ҳозир лимон, қўлпнай парвариш қилинмоқда. Эътиборли жиҳати, ҳар қарч ердан унумли фойдаланиш мақсадида қўлпнайлар лимон кўчатлари орасига экилган.

Муҳими, шу саъй-ҳаракатлар натижасида камбағаллик даражаси 15,5 фоиздан 2,9 фоизга туширилди. Жорий йил якунига қадар маҳаллани камбағалликдан холи худудга айлантиришни режалаштирганми.

Соҳибжон Суннатов, Ромитон тумани.

Соҳибжон Суннатов, Ромитон тумани. Маҳалла "Маҳалла" муҳбири Хайрулло Абдураҳмонов тайёрлади.



Немис тили бўйича В1 даражадаги халқаро сертификат — ТЕС ИМТИХОНЛАРИ энди Самарқандда ҳам топширилади.



ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИГА КЎРА, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларида ижодий бирлашмалар ташкил этилади.



Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионатидаги ўйинлари МАКТАБЛАРДАГИ КАТТА ЭКРАНЛАРДА намоиш этилади.

4

Mahalla №45

2026 йил 6 июнь, ШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”



НАВОИЙ

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАБУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“ЕТТИЛИК” ИШГА ЧАНҚОҚ, ҲЕЧ КИМ БИЛМАЙДИ ЧАРЧОҚ

Тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган жойда одамлар ўзини хотиржам ҳис қилади. Фарзандлар камоли, орзу-умидлар рўёби ана шу бебаҳо неъмат туфайли. Ишдаги унум-барака, турмушдаги фаровонлик ҳам шундан. Қолаверса, тартиб бор жойда тараққиёт бўлади.



ЖИЗЗАХ



Баҳром ОРЗУҚУЛОВ, Жиззах шаҳридаги “Боғишамол” маҳалласи раиси.

Бу эса “Хавфсиз маҳалла” тизимининг нечоғлик аҳамиятли эканини яна бир бор кўрсатади. Бугун мамлакатимизда жорий этилаётган мазкур лойиҳанинг асосий вазифаси аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ хавфсизликни таъминлаш, осойишталик ва тараққиётни асрашдир.

Шу мақсадда маҳалламиздаги кўп қаватли уйлар, кўчаларнинг кириш-чиқиш жойларида видеокузатув камералари ўрнатилиб, ҳуқуқ-тартибот масканлари ахборот тизими-га интеграция қилинди. Қолаверса, аҳоли вакиллари билан олиб борилган учрашув ва тушунтириш ишлари самараси ўлароқ, худудимиз тўлиқ жиноятчиликдан холи масканга айланди.

Бандлик масаласида ҳам барча муаммолар йилнинг биринчи чорагида ҳал этилди. 26 нафар ишсиз фуқарони қизиқишидан келиб чиққан ҳолда муносиб жойларда меҳнат қилиши учун кўмаклашдик. Миграция ва харбий хизматдан қайтиб келган ёшлар ҳам эътибордан четда қолмапти. Барчаси босқич-ма-босқич ишга жойлаштириляпти.



“Еттилик” ходимларининг деярли барчаси ёшлардан иборат. Назаримда, эришяётган натижаларимизнинг асосий омили шунда. Ҳаммаси ишга чанқоқ, чарчоқ нималигини билмайди. Қачон ва қаерда бўлмасин, топшириқларни сидқидилдан бажаради. Аҳоли хонадонларини айланишга эринмайди.

Маҳалламиз шаҳримизнинг энг обод гўшаларидан бири. Одамларимиз ҳам тозалikka ўрганиб қолишган. Эрта тонг ҳар бир хонадон эшиги олдида сув сепилиб, супурилади. Чикиндиларни ўз вақтида олиб кетиш тўлиқ йўлга қўйилган. Аҳоли вакиллари-нинг коммунал тўловлардан деярли қарздорлиги йўқ. Мақсад ва муддао бирлашган маскан эса гуллаб-яшнаверади.

Худудимиздаги давлат мактабгача таълим ташкилоти бир неча йилдан буён фаолият юритмаётган эди. Жорий йилда шу муаммони бартараф этишга қаттиқ киришдик. Айни вақтда уч қаватдан иборат, 180 ўринга мўлжалланган боғчининг таъмирлаш ишлари ўз якунига етиш арафасида. Бу оилаларга янада кўпроқ қўлайлик туғдириб, оналарнинг ишлаш имконини юзага келтириши билан катта аҳамият касб этади.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Аёл — нозик хилқат вакили. У доим меҳр ва мурувватга муҳтож. Айниқса, умр йўлдошининг қўллаб-қувватлаши, ҳақиқий суянч бўла олиши жуда муҳим саналади.

“ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИГА МАҲАЛЛАДАН ТАВСИЯ БЕРИЛСА...”

Хайринисо ҲАҚМУРОВА Зарафшон шаҳридаги “Геолог” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Эркак ўз никоҳига олган турмуш ўртоғини йиллар давомида муруввати ва муҳаббати билан қайтадан тарбиялаши зарур. Шундагина аёл фарзандларини чиройли вояга етказди. Турмушдан рози яшаб, оилада чинакам бахт муҳитини яратди.

Эр-хотиннинг ўзаро бир-бирига мослашиши анча вақт ва сабр талаб қиладиган жараён. Бунда баъзан киши ўз манфаатларини бир четга суриб туриши, бошқаларнинг қарашлари билан иш қўришига тўғри келади. Маҳалладаги фаолиятимиз давомида низо келиб чиққан хонадон вакилларига шу жиҳатларни тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Айни вақтда маҳалламизда 3 637 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Уларнинг асосий қисми давлат корхоналарида ишлайди. Бундан ташқари, тикувчилик ҳамда касаначилик йўналишларида меҳнат қилаётганлар ҳам анчагина. Чеварларимиз миллий услубдаги либослар, келинлар учун сарпо ҳамда кўрпа-тўшаклар тикиш орқали аҳоли қорига ярапти.

Лобар Ражабова интилувчан ва ташаббускор аёлларимиздан. У бун-

Марказ шу кунга қадар 500 нафардан кўпроқ боланинг салома-тигини тиклашга ёрдам берди. Бир-бирдан тажрибали 27 нафар мутахассис гўдакларни янги ҳаётга йўллаш учун астойдил ҳаракат қилляпти. Тадбиркор тез орада фаолиятини янада кенгайтиришни мақсад қилган.

дан бир йил аввал маҳалламиздаги ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги қараб туриш хизмати ташкил этди. Асли касби де-фектолог-логопед бўлган мутахассис 3 ёшдан 18 ёшгача бўлганлардаги аутизм, нутқдаги нуқсонлар ва ҳаракатланиш билан боғлиқ камчиликларни бартараф этишга кўмаклашляпти.

Жорий йилда худудимизда янги соғломлаштириш маркази ташкил этилди. Қисқа вақт ичи-да қизиқувчилар сони 50 нафар-



НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Маҳалла шароитида хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, ўз бизнесини йўлга қўйиши ва иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиши учун кенг имконият яратилган.

ҚАНДОЛАТДАН ҚАНДДЕК ДАРОМАД

Нилуфар АШУРОВА, Когон туманидаги “Наврўз” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.



Айни пайтда мўъжаз цехда самарали ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани натижасида ҳар ойда ўртача 12 миллион сўмга яқин даромадга эришилмоқда. Цех пазандалари меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги натижасида аҳоли дастурхонини ширинликлар билан таъминлашга ҳисса қўшляпти.

Маҳалламизда яшовчи Назокат Ҳайдарова шароитдан унумли фойдаланиб, ўзининг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги ва ишбилармонлиги билан бошқа аёлларга ўрнак бўлмоқда.

У ўз хонадонидан яқка тартибда турли ширинликлар тайёрлашни бошлаганига уч-тўрт йил бўлди. Тиниб-тинчимас, изланувчанлиги, махсулот сифати ва миқдорлар ишончини қозонишга бўлган интилиши туфайли Назокат қисқа муддатда фаолиятини сезиларли даражада кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Бугунга келиб у “Назокат пиринчиликлари” ёрлиги остида хари-доргир ширинликлари билан ўз бизнесини ривожлантирмоқда.

Айни пайтда мўъжаз цехида 10 турдан ортиқ қандолат махсулотларини ишлаб чиқариб, хари-дорларга тақдим этмоқда. Егулик-лар сифати, таъми ва табиий то-заллиги сабаб буюртмачилар сони тобора ортияпти.

Назокат Ҳайдарованинг ишбилармонлик фаолияти нафақат оиласи фаровонлигини яхшилашга, балки маҳалладаги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни даромадли қилишга ҳам хизмат қилмоқда. Ҳозирда у 5 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлаган. Шу билан бирга, пазандачилик ва қандолатпазлик-ка қизикадиган ёш қизларга ўз тажрибаси ва касб сирларини бе-миннат ўргатиб, мустақил фаоли-ят бошлашига кўмаклашмоқда.

дан орти. Аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида аёллар ва эркеклар учун алоҳида-алоҳида вақт белгиланган. Мазкур ташаббус нафақа ёшидаги ҳамда уйда ўтиради-ган опа-сингилларимизнинг салома-тигини мустаҳкам-лашда катта аҳамият касб этмоқда.

Пайшанба ва шанба кун-лари ўтказилаётган марафон-лар эса спорт ихлосмандла-ри сонини оширишга ёрдам берляпти. Хусусан, Муфарраҳ Ҳақимова юриш ва югуриш, шахмат ҳамда шашка мусо-бақаларининг фаол ишти-рокчиси. Аёлдаги шижоатни доим бошқаларга намуна қи-либ кўрсатамиз.

Ҳозирги вақтда туман-ларда Ёшларни оилави ҳаётга тайёрлаш марказла-ри фаолияти йўлга қўйилган. Назаримда, у ерда тахсил олиш учун маҳалла тавсия-нома берса, мақсадга муво-фиқ бўлар эди. Шу жараён-да келин-куёв ўртасидаги қариндошлик даражасини ўрганиш, оилаларни ўзаро бир-бирига мос эканига аниқлик киритиш имкони туғиляпти. Умид қиламанки, бу ёшларни узок ва бахтли ҳаёт кечирishiга мустаҳкам замин ярадапти.



Сақифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУЖАЕВА тайёрлади.

ТАЖРИБА

ҲАР БИР КЎЧАТДА ҲАЁТ, ҲАР БИР ҲОСИЛДА МЕҲНАТ МУЖАССАМ

Денов туманидаги “Чўнтош” маҳалласидаги файзли хонадонларнинг бирида нафақадаги устоз Унгал Турсунова ҳар тонгни эзгу ният ва меҳнат билан қарши олади. Умрининг салмоқли қисмини ёш авлод таълимга бағишлаган аёл бугун ҳам бир зум тин олмаяпти.

Нигина ШОЕВА, журналист.

Энди унинг “синфхона-си” — томорка, шогирд-лари эса меҳр билан парваришланаётган малина кўчатларидир. 6 сотих майдо-нидаги малиназор бугун ба-рака ва файз манбаига айлан-ган. Бир қарашда кичикдек туюлган бу ерда қанча меҳнат, қанча орзу ва қанча умид му-жассам. Қатор-қатор бўлиб ўсган мевали буталар қизил маржондек товланиб, кўнгил-ни яйратади. Ҳар бир шохда Унгал опанинг меҳри, ҳар бир ҳосилда унинг сабр ва мато-натини кўрасиз.

— Инсон ҳар қандай ишни меҳр ва сабр билан бажарса, унинг самараси, албатта, ширин бўлади, — дейди Унгал Турсунова. — Ер меҳри ҳис қилади. Унга қанча эътибор ва ғамхўрлик кўрсатсангиз, шунча баракка билан жавоб қайтаради. Айни кунларда томоркамизда етиштирилган малина ҳосилини йиғиб оляпмиз. Сара ва хуштаъм меваларни маҳаллий бозорга бир килограммини 60 минг сўмдан етказиб берляпмиз. Бу меҳнатнинг баракаси оиламиз фаровонлигига, дастурхонимиз тўкинлигига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, меҳнат орқали топилган ризқ инсон қалбига қаноат ва хотиржамлик бахш этади. Ҳаётимизнинг файзу баракаси ҳам ана шу меҳнат самарасидадир.



Бу сўзлар шун-чаки ҳаётини ҳуло-са эмас. Уларнинг замирида йиллар давомида ортти-рилган тажриба, ҳаёт сабоқлари ва меҳнат билан си-налган ҳақиқат му-жассам. Қаҳрамони-миз учун томорқа-чилик ҳаёт тарзи, қалб оромини топа-диган машғулотга айланган. У ҳар бир кўчатда ҳаёт даво-миёлигини, ҳар бир ҳосилда меҳнатнинг қудратини кўради. Шу боис ҳам то-морқада ўтказилган кун унинг учун жуда қадри.



В1 сертификати бор абитуриентларга ЧЕТ ТИЛИ ФАНИДАН МАКСИМАЛ БАЛЛНИНГ 75 ФОИЗИ берилади.



Ҳар йили театр, чолғу, хор ва рақс йўналишида умумий ўрта таълим муассасалари ўртасида ТУМАН — ВИЛОЯТ — РЕСПУБЛИКА даражасида танловлар ўтказилади.



Ўзбекистонда битирувчи босқич талабаларининг бандлигини таъминлашга қаратилган “МЕНИНГ БИРИНЧИ КАСБИМ” дастури амалга оширилади.

2026 йил 6 июнь, ШАНБА

Mahalla №45

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



ФАРҒОНА

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА ҚўМАҚЧИ

КИЧИК МАРКАЗДАН БОШЛАНГАН ҚАДАМ КАТТА НАТИЖАЛАРГА АСОС БўЛЯПТИ

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалида тахсил олганман. Талабалик йилларимдан бошлаб қишлоғимиз ёшларининг тақдирини, уларнинг келажагини ва имкониятларини ҳақида кўп ўйлардим.



Исломжон МУҲАММАДЖОНОВ, Фарғона туманидаги “Обод” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Айниқса, айрим болаларнинг қўлида китоб ёки дафтар эмас, майда-чуйда махсулотларни кўчама-кўча сотиб юрганини кўрганимда, бу ҳолат мени чуқур ўйлантирди. Ахир ёшлар билим олиш, касб ўрганиш ва ўз истеъдодини намоян этиш билан банд бўлиши керак эмасми?!

Шу мақсадда ўз маблагларимни йиғиб, шаҳардан 18 миллион сўмга контейнер сотиб олдим. Уни таъмирлаб, маҳалламизга олиб келдик ва замонавий касбларни ўргатишга мўлжалланган ўқув марказига айлантирдик. Тўғриси, контейнерни сотиб олишдан кўра, уни қаерга жойлаштириш масаласи қийинроқ бўлди. Аммо маҳалладошларимизнинг қўллаб-қувватлаши, ёшларнинг интилиши ва эзгу ниятимиз тўғрисида барча қийинчиликлар ортада қолди. Бугун кичик бўлса-да, муҳим натижаларга эришиб келмоқдамиз.

Бу ерда бир вақтинг ўзида саккиз нафардан ортиқ ёш билим ва касб ўрганиши мумкин. Бизнинг асосий мақсадимиз — қишлоқ марказидаги ёшлар билан энг чекка ҳудуддаги йигит-қизлар ўртасидаги имкониятлар тафовутини камайтиришдир. Чунки ҳар бир йигит-қиз сифатли таълим олиш ҳуқуқига эга!

Энг муҳими, марказимизда ташкил этилган барча курслар мутлақо бепул. Бугунги кунгача юзлаб ёшлар ушбу имкониятдан фойдаланди. Дастлабки битирувчилар сони 120 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 450 нафардан ошди. Уларнинг кўпчилиги Польша, Германия, Жанубий Корея ва Америка Қўшма Штатларидаги нуфузли олий таълим муассасаларида тахсил олмақда ёки фаолият юритмоқда. Айримлари эса юртимизда устозлик қилапти, олган билим ва тажрибасини бошқаларга ўргатиб, жамият ривожига ҳисса қўшапти.

Яқинда график дизайн ва ахборот технологиялари йўналишларида тахсил олган 8 нафар ёш Германия компаниялари билан меҳнат шартномалари имзолади. Бу эса маҳалламиз ёшлари ҳам халқаро меҳнат бозорига муносиб ўрин эгаллаётганини амалда исботлайди. Бундан ташқари, ёшлар қишлоқ ҳўжалиги билан ҳам фаол шуғулланипти. Хусусан, малина етиштириш йўлга қўйилган бўлиб, улар замонавий агротехнологиялар асосида ҳосил етиштириб, уни ички ва ташқи бозорларда сотиш орқали даромад топомқда. Натижада ёшлар орасида иш-сизлик деярли учрамайди.

Келгусидаги энг катта мақсадларимиздан бири — маҳалламизда “Ёшлар боғи”ни ташкил этишдир. Ушбу маскан ёшларнинг нафақат билим олиши, балки маънавий ҳордиқ чиқариши, китоб мутолаа қилиши, янги гоғлар устида ишлаши ва мазмунли вақт ўтказиши учун хизмат қилади. Ишонимизки, билимли, касб-ҳунарни ва маънавий етук ёшлар бор жойда тараққиёт бўлади. Биз эса ана шундай ёшларни тарбиялаш йўлида бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишда давом этамиз.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.
Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Абдуқодир ҳақида сўз борганда, уни яқиндан билган инсонлардан фақат илиқ ва самимий фикрларни эшитиш мумкин. У нафақат майдондаги ўйини, балки камтарлиги, одоби ва инсоний фазилатлари билан ҳам кўпчиликнинг ҳурмати-ни қозонган. Айниқса, унинг болалиги ўтган маҳаллада бу фахр туйғуси янада кучли сезилади. Маҳалла ахли уни ўз фарзандидек эъзозлайди, ютуқларидан қувонади.

— Болалигидан Абдуқодирда бошқалардан ажралиб турадиган иқтидори борлигини сезгандим, — дейди Чилонзор туманидаги “Мевазор” маҳалласи раиси Шарофиддин Тиллабоев. — Маҳалламиз ёшларининг спортдаги ютуқлари кўп, аммо Абдуқодирнинг меҳнатсеварлиги ва интилиши алоҳида эътиборимни тортган. Отаси Ҳикмат Ҳошимов ҳам ўз вақтида Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида тўп сурган футболчи. Бу оилада футболга меҳр жуда катта. “От ўрнини той босар”, деган нақлнинг амалдаги исботини бугун кўриб турибмиз. Бобоси ва бувисининг тарбияси ҳам унинг камолотида муҳим ўрин тўтган. Ҳозир маҳалламиздаги кўплаб ёшлар Абдуқодирга ҳавас билан қарайди, ундан ўрнак олади.

Бугун А.Хусанов дунёнинг энг машҳур клубларидан бири — Англиянинг “Манчестер Сити” жамоаси сафида тўп сурмоқда. Кисқа вақт ичида у клуб муҳлисларининг севимли футболчиларидан бирига айланди. Унинг бугунги муваффақияти ортида эса



йиллар давомида қилинган меҳнат, қатъият ва сабр ётади.

Абдуқодир футбол билан илк бор “Бунёдкор” академиясида жиддий шуғуллана бошлади. Мураббийлари уша пайтдаёқ унинг тезлиги ва характери тенгдошлари-

дан ажралиб туришини таъкидлашган. У кўпинча ўзидан бир-икки ёш катта футболчилар билан машғулот ва мусобақаларда қатнашган. Бу эса ёш ҳимоячининг тезроқ чиқишига, рақобат муҳитида улғайишига ёрдам берди.

ЎЗБЕК МАҲАЛЛАСИДАН МАНЧЕСТЕРГАЧА:

МЕҲНАТСЕВАРЛИК, ИНТИЗОМ ВА КАМТАРЛИК — ҚОДДИЙ ҚОРАКЎЗ ЙИГИТНИНГ МУВАФФАҚИЯТ СИРИ

Футболчининг илк мураббийларидан бири Сергей Чигодаев унинг истеъдоди болалигидаёқ сезилганини эслайди. Бироқ мураббий фикрича, Хусановни бошқалардан ажратиб турган жиҳат фақат истеъод эмас эди. Унда меҳнатсеварлик, интизом ва камтарлик уйғунлашган. Мураббий берган топшириқларни у ортиқча гап-сўзсиз бажарарди. Майдонда эса мутлақо бошқа қиёфага кириб, ҳар бир тўп учун охиригача курашади.

17 ёшида Абдуқодир фаолиятида янги босқич бошланди. У Беларусининг “Энергетик-БГУ” клубига йўл олди. Ёш ҳимоячи қисқа фурсатда мураббийлар ишончини қозониб, жамоанин асосий футболчиларидан бирига айланди. Деярли ҳар бир учрашувда майдонга тушиб, нафақат ҳимоядаги ишончли ўйини, балки голлари ва голли узатмалари билан ҳам эътибор қозонди.

Шу даврда у Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сафида ҳам ёрқин ўйинлар намойиш этди. Осиё чемпиолатидаги муваффақиятлар ва ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатидаги иштирок унинг фаолиятида бурилиш нуқтасига айланди. Айниқса, Аргентинада бўлиб ўтган мундиал давомида европалик скаутлар унинг ўйинига жиддий эътибор қаратишди. Ўзбекистон ва Аргентина ўртасидаги учрашувда кўпчилик мезбон жамоа футболчиларини кузатиш учун келган бўлса-да, майдондаги энг катта таассуротни айнан Хусанов қолдирди.



Орадан кўп вақт ўтмай, Франциянинг “Ланс” клуби уни ўз сафига қўшиб олди. Европа футболга мослашиш осон бўлмади. Янги муҳит, янги тил, янги талаблар ёш футболчидан катта ирода талаб қиларди. Аммо Абдуқодир бу синовлардан ҳам муносиб ўта олди.

Кўп ўтмай, дунёнинг энг катта жамоаларидан бири “Манчестер Сити” ўзбекистонлик футболчини ўзига чорлади. Бу воқеа нафақат Хусанов, балки бутун ўзбек футбол тарихидаги муҳим саҳифалардан бири бўлди. Англия Премьер-лигасида майдонга тушган илк ўзбекистонлик футболчи сифатида у катта масъулиятни зиммасига олди.

Дебют учрашувидеги ҳаяжонли дақиқалар, илк хатолар ва босимларга қарамай, Хусанов ўз характерини намоян қилди. У қийинчиликлардан қўчимади, аксинча улардан куч олди. Бугун унинг ўйинларини миллионлаб муҳлислар кузатиш учун келган бўлса-да, майдондаги энг катта таассуротни айнан Хусанов қолдирди.

Энди эса футбол муҳлислари унинг иштирокида жаҳон чемпионати майдонларида ҳам ёрқин ўйинлар, унутилмас лаҳзалар ва янги муваффақиятлар гувоҳи бўлишни интиқлик билан кутмоқда. Ишонимизки, Абдуқодир Хусанов ва унинг сафдошлари мундиал баҳсларида ўзбек футболга хос матонат, ирода ва характери намойиш этиб, миллионлаб юртдошларимизнинг ишончи ва умидларини оқлайди.

РАҚАМЛИ СТАРТАПЛАР

КЕЛАЖАКНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЭМАС, УЛАРНИ БОШҚАРА ОЛАДИГАН БИЛИМЛИ ИНСОНЛАР БЕЛГИЛАЙДИ

Бугун инсоният тараққиёти янги босқичга қадам қўймоқда. Глобаллашув ва рақамли трансформация нафақат иқтисодий жараёнлар, балки таълим, давлат бошқаруви, меҳнат бозори ва ижтимоий муносабатларни ҳам тубдан ўзгартиряпти. Бу ўзгаришларнинг марказида эса ёшлар турибди



Сарварбек МИРЗАЕВ.

Бугун дунё ҳеч қачон бу қадар ўзаро боғлиқ бўлмаган. Ахборот оқими сониялар ичида қитъаларни кесиб ўтади, илғор тажриба ва билимлар эса чегара билмайди. Бу ҳолат ёшлар учун улкан имкониятлар эшигини очмоқда. Интернет орқали дунёнинг нуфузли университетлари, илмий марказлари ва таълим платформаларига мувожаат қилиш, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш, хорижий мутахассислар билан тажриба алмашиш имкони пайдо бўлди.

Бир вақтлар йиллар талаб қилган билимларни бугун бир неча ой ёки ҳафтадан ичида ўзлаштириш мумкин.

Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши меҳнат бозори қиёфасини тубдан ўзгартиряпти. Кеча мавжуд бўлмаган касблар бугун энг талабга йўналишларга айланмоқда. Дастурлаш, сунъий интеллект, маълумотлар таҳлили, киберхавфсизлик, рақамли маркетинг, график дизайн ва электрон тижорат каби соҳалар янги иқтисодийнинг асосий “драйвер”лари сифатида шаклланипти. Энди рақобат фақат маҳаллий бозор доирасида эмас, балки глобал майдонда кечмоқда. Демак, замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган ёш ўз меҳнати билан дунёнинг исталган нуқтасида ўз ўрнини топиши мумкин.

Шу билан бирга, рақамли давр ёшлар зиммасига катта масъулият ҳам юклямоқда. Интернет имкониятлар манбаи бўлиши билан бирга, турли хавфларни ҳам ўзида муқассам этади. Сохта ахборотлар, кибержино-

ятчилик, шахсий маълумотлар хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар, виртуал муҳитга ортиқча қарамлик каби ҳолатлар бугун жамият олдидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қоляпти. Ахборотлар шиддат билан тарқалаётган даврда ҳар қандай маълумотни танқидий таҳлил қилиш, унинг манбасини текшириш ва ҳолис ҳулоса чиқариш кўникмаси муҳим аҳамият касб этади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, келажақда дипломнинг ўзи етарли бўлмайди. Асосий мезон — инсоннинг янги шaroитларга тез мослаша олиши, ўз устида ишлаши ва билимларини мунтазам янгилаб бориш қобилияти бўлади. Шу боис узлуксиз таълим тамойили бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ёшларни рақамли иқтисодиёт талабларига мос кадрлар сифатида тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “IT Park Uzbekistan”, “Бир миллион ўзбек дастурчилари” лойиҳаси, рақамли таълим платформалари, стартапларни қўллаб-қувватлаш дастурлари ва инновацион ташаббуслар бунинг амалий ифодасидир. Натижада минглаб ёшлар янги касбларни эгаллаб, юқори даромадли иш ўринларига эга бўляпти, ўз бизнесини ташкил этмоқда ва халқаро меҳнат бозорига

чиқиш имкониятини қўлга киритяпти. Энг муҳими, рақамли технологиялардан фақат истеъмолчи сифатида эмас, балки яратувчи сифатида фойдаланиш давр талаби ҳисобланади. Келажакни технологиялар эмас, балки технологияларни бошқара оладиган билимли инсонлар белгилайди. Шу маънода, ҳар бир ёш ўз олдида аниқ мақсад қўйиб, замонавий билимларни пухта эгаллаши, инновацион фикрлашни ривожлантириши ва рақамли маданиятни ҳаёт тарзига айлантириши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув ва рақамли трансформация ёшлар олдида беқиёс имкониятлар майдонини очмоқда. Бироқ бу имкониятлардан фойдаланиш билим, масъулият ва доимий изланишни талаб этади. Чунки мамлакатнинг эртанги тараққиёти бугун рақамли дунёда ўз ўрнини топаётган, янгилик яратишга қодир, билимли ва ташаббускор ёшлар қўлида.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.





Ўзбекистонлик
НОДИРА МАНСУРОВА
ЕТТБнинг Қирғизистон,
Тожикистон ва
Туркменистон бўйича
янги минтақавий раҳбар
этиб тайинланди.



Ўзбекистонда
4 минг йил аввал
БОШ СУЯГИ ОПЕРАЦИЯ
ҚИЛИНГАН БОЛА
суякларни топилди.



Давлат идораларига
берилган СОВҒА
ВА ҲОМИЙЛИК
МАБЛАҒЛАРИ ҳақидаги
маълумотларни
очиклаш мажбурий
бўлади.

6

Mahalla №45

2026 йил
6 июнь,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ҚАШҚАДАРЁ

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

ФАРҒОНА

“Масофа ва фасллар мақсадга тўсиқ эмас”

Ижтимоий ходим сифатида маҳалла тизимида фаолиятимни бошлаган кунимдан зиммамга жуда катта масъулият юкланган. Икки йил мобайнида 43 та оилага “ижтимоий иш” очиб, ҳар бирига индивидуал режа асосида хизмат кўрсатиб келяпман. Ечилаётган муаммолар, яхшиланаётган турмуш шароитларини кўрганим сари касбимга меҳрим ортиб борапти.



Одил ҚОДИРОВ,
Китоб туманидаги
“Қўхсор” маҳалласи
ижтимоий ходими.

Баъзан бир оила муаммолари билан ойлаб ишлашга тўғри келади. Токи, ижобий натижага эришмагунча уларнинг эшигини қоқиб боришга эринмайман. Одамлар ҳам бунга бўйича қандайдир тушунмовчилик туғиладиган бўлса, дарров сим қоқишади. Авваллари аҳоли вакилларига бир нарсани тушунтириш қийин кечарди. Энди уларнинг саводхонлиги анча ошган. Қонун ҳужжатларидан яхши хабардор. Ўз ҳуқуқ ва имкониятларини биллади.



Мени қувонтирадиган жиҳат, бу — ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳаётидаги ўзгаришлар. Олдин тўшакка миҳланиб, ҳатто кўни-қўшни билан мулоқот қилмаган кишилар бугун жамиятнинг фаол аъзосига айланган. Айримлари ўтирган жойида меҳнат қилиб, даромад топишни урдасидан чиқаяпти.

Ўз олдимга жуда катта мақсадлар қўйганман. Биринчи навбатда, маҳалламизни тўлиқ камбағалликдан холи ҳудудга айлантирмоқчиман. Қолаверса, имконияти чекланган фуқароларнинг билим олиши, касб эгаллаши учун барча шароитларни муҳайё қилиш ҳаракатидаман. Ишонаман, халқни ўйлаб амалга оширилган ҳар бир ташаббус, албатта, ютуқ ва муваффақият билан яқун топади.



Маҳалламиз бешта кишлоқни ўз ичига қамраб олган. Аҳоли сони 6,5 минг нафардан ортиқ. Масофалар олис, энг чекка Шут кишлоғи идора биносидан 35 км. узоқликда жойлашган. Кишлоқлар бир-биридан узоқ ва фасллар инжиқлиги билан қийинчилик туғдирса-да, мен ўз хизмат вазифамни садоқат билан бажаришдан завқ туяман.

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ —
ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

МАНЗИЛЛИ КЎМАҚДАН КЕНГ КЎЛАМЛИ НАТИЖА САРИ

Қувасой шаҳридаги “Найман” маҳалласида яшовчи Абдумуталиб Кенжаевнинг оёғи оғир хасталик сабабли ампутация қилинган. Авваллари ҳаракатланиш учун ноқулай бўлган протездан фойдаланар эди. Маҳалладаги ижтимоий ходим ташаббусига қўра, ўтган йили бу фуқаро модулли сон протези билан таъминланди. Айтиш мумкинки, замонавий мослама Абдумуталиб аканинг ҳаётини анча енгиллаштирди.



Давлатжон ПОЛВОНОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий
агентлиги Фарғона вилояти
бошқармаси матбуот котиби.



Харакатланиш осонлашгандан кейин фуқаро томорқасида деҳқончилик билан шуғулланишни бошлади. Айни вақтда рўзғор учун зарур бўлган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли барчасини ўзи етиштиряпти.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида ногиронлиги бўлган шахслар сони 96 минг 743 нафарни ташкил этади. Ўтган 3 йил давомида 17 минг 597 нафар муҳтож шахс сифати ва кафолатланган протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланди. Бунинг учун қарийб 42 миллиард сўм маблағ сарфланди.

2368 нафар ўзгалар парваришига муҳтож шахслар учун эса яқка тартибдаги дастур шакллантирилган ҳолда ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилляпти. Хусусан, белгиланган тартибга мувофиқ, барча чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. 1546 нафари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган назарда тутилган дори-дармон билан таъминланди ҳамда 43 нафарининг яшаш шароити мослаштирилди.

“Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида 5 турдаги хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилди. Ҳозирга қадар ушбу хизматлардан фойдаланиш учун 9 870 нафар шахсга ваучер шакллантирилган.

Ўтган давр мобайнида тазйик ва зўравонликка учраган 15 минг 169 нафар хотин-қизга ҳимоя ордери берилган ҳамда уларга ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатилган. Шунингдек, 7 116 нафар ногиронлиги бўлган шахс адаптив спортга жалб қилиниб, 10 минг 268 нафар фуқаро санаторийда соғломлаштирилди.

Ногиронлиги бўлган болаларнинг оила қарамоғида қолишини таъминлаш, ижтимоий етимликнинг олдини олиш йўналишида амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Давлатимиз раҳбарининг “Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Ҳозирги кунда вилоятнинг барча шаҳар-туманларида жами 36 та тadbиркорлик субъекти кундузги парвариш хизматини йўлга қўйган бўлиб, уларда 3-18 ёшдаги ногиронлиги бўлган 665 нафар воёга етмаган қамраб олинган.

Шу кунга қадар ота-она қаровисиз қолган 4 503 нафар бола муқобил жойлаштириш шаклларида оилавий муҳитга қайтарилди. Оила шароитида тарбиялашни кенгайтириш мақсадида 16 та янги оилавий болалар уйи ташкил этилди. Шунингдек, 149 нафар йигит-қиз замонавий уй-жойларга эга бўлди. Бунинг учун 37 млрд. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Кундузги қараб туриш, бу — ҳаёт сифатини ошириш демак

СИЗ ЁЛГИЗ ЭМАССИЗ...

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси билан тузилган битим асосида Оққўрғон туманидаги “Шодлик” маҳалласида давлат-хусусий шериклик асосида кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилган эди.



Маълумот ўрнида: бугунги кунга қадар вилоятнинг туман ва шаҳарларида 24 та кундузги парвариш хизмати ташкил этилди. Мазкур хизматларга 302 нафар бола қамраб олинди, уларнинг парвариши учун жами 1 миллиард 467 миллион сўм субсидия маблағи ажратилган.

Мазкур марказ нафақат болалар, балки уларнинг ота-оналари учун ҳам кенг имкониятлар яратмоқда. Хусусан, ушбу кундузги парвариш хизматида фарзандларини жалб этган беш нафар ота-она ўз тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга муваффақ бўлган. — Дилшод Раҳматиллаев минсолида айтиш мумкинки, ҳозирда у туманидаги 78-сонли махсус мактаб-интернатга ўқишга йўналтирилмоқда.

риқмоқда, — дейди марказ раҳбари Зулхумор Фаниева. — У кундузги парвариш хизматидан мактаб сари йўл олмақда. Мазкур ташаббус натижасида илгари фарзандининг парвариши билан банд бўлган, бироқ ишлаш истеъдоди ота-оналар энди ўз касбий фаолияти билан шуғулланиш, моддий ва маънавий жиҳатдан фаровонликка эришиш имконига ҳам эга бўляпти.

Мазкур марказ болалар ҳамда уларнинг оилалари учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Айни пайтда бу ерда 23 нафар болага сифатли кундузги парвариш хизмати кўрсатилмоқда. Ушбу хизматнинг асосий мақсади — ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш ҳамда мустақил ҳаётга тайёрлашдан иборат. Ҳар бир боланинг ёши, имконияти ва ҳолатидан келиб чиқиб, индивидуал режа асосида парвариш, таълим ва ривожлантирувчи машғулотлар олиб борилмоқда. Ижтимоий мослашув, реабилитация ҳамда таълимий ва маданий фаолиятлар уйғунлигида ташкил этилган ушбу жараён болаларнинг ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ,
журналист.

Нурота туманидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган эркаклар интернат уйида 317 нафар шахс парваришланиб келинмоқда. Уларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши учун барча қулай шароит яратилган.

Темур БАЙБИКОВ,
журналист.

Имконияти чекланган кишиларнинг бўш вақтини маъмул ўтказиш учун 20 га яқин тўгарак билан бирга, “меҳнат терапияси”, яъни ратан маҳ-

МЕҲНАТ БИЛАН ОҚИБАТ ҲАМ, ОИЛАЛАР ҲАМ ТИКЛАНДИ

сулотидан тўқима стол-стуллар ва совундан хидли гуллар ясаш, биогумус тайёрлаш, иссиқхона ва дала майдонларида деҳқончилик қилиш, парранда ва чорваларни парвариш йўлга қўйилди. Шундай бўлса-да, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоийлашувини таъминлашда, оиласининг меҳрини ҳис қилиб яшаши жуда ҳам муҳим ўрин тутди. Муассаса ижтимоий ходими яшовчилар ва ота-оналар ўртасидаги алоқаларни янада яхшилаш мақсадида мунтазам равишда видеосўхбатлар ўтказиб бормоқда. Натижада яқинлари хабар олмаган



98 нафар парваришланувчининг қариндошлари билан оилавий муносабатлари тикланди. Шундан, 19 нафар ногиронлиги бўлган шахс жамиятга мослаштирилди ва оиласи бағрига қайтарилди. Таъкидлаш керакки, муассасада руҳий ҳолатида ижобий ўзгариш ва меҳнат қобилияти юқори бўлган 30 нафар парваришланувчи танлаб олиниб, мураббийлар кузатуви остида алоҳида мустақил ҳаётга тайёрланмоқда. Уларга ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, молиявий саводхонлик, ижтимоий ҳаётга мослаштириш бўйича машғулотлар утиляпти.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза
РАҲИМХҲУЖАЕВА
тайёрлади.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...



Солиқ қўмитаси апрель учун бериладиган 102,5 миллиард сўм ИЖТМОИЙ КЕШБЭКНИ ҚАЙТАРИШНИ ВАҚТИНЧА ТЎХТАТДИ.



“Fitch Ratings” агентлиги Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингини “БАРҚАРОР”ДАН “ИЖОБИЙ”ГА ЯХШИЛАДИ.



Тошкентда 1 сентябрдан бошлаб автобусга ФАҚАТ ЧИҚИШ ВАҚТИДА ЙЎЛКИРА ТЎЛНАДИ.

2026 йил 6 июнь, ШАНБА

Mahalla №45

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ТАРТИБ

Тадбиркорга 200 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади

Бозорда савдо қилаётган, тикувчилик устахонасини юритаётган ёки маҳалласида кичик новвойхона очишни истаётган фуқаролар учун энг катта муаммолардан бири — маблағ топиш.



Сожида ЭШМАТОВА.

Масалан, бир инсон иссиқхона ташкил этиш учун кредит олишга қарор қилди. У бир банкдан иккинчи банкка қатнади, ҳужжатлар топширди, аммо қайси банкнинг шартлари қулай эканини аниқлашнинг узи анча вақт ва куч талаб қилди. Натижада бизнесни бошлаш кечикди. Эндиликда янги қабул қилинган Президент қарори айнан шундай муаммоларни камайтиришга қаратилгани билан эътиборга лойиқ.

“Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни кенгайтири-

ришга доир навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қароридан тадбиркорлар учун кредит олишни энгиллаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва бизнесни қўллаб-қувватлашнинг янги тизимлари белгиланган.

Қарорнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — 2026 йил 1 июлгача кредит олиш учун ариза бериш ҳамда бир вақтнинг ўзиде бир нечта банкларнинг таклифларини олиш имконини берувчи рақамли молиявий платформанинг ишга туширилишидир. Бу янгилик кредит излаётган тадбиркорлар учун катта қулайлик яратди. Чунки илгари ҳар бир банкка алоҳида мурожаат қилишга тўғри келган бўлса, энди таклифларни бир жойнинг ўзиде таққослаш мумкин бўлади.

Яна бир янгилик — “А1 маслаҳатчи” дастурининг жорий этилишидир. Ушбу дастур маҳаллаларнинг ихтисослашуви ва иқтисодий имкониятларини таҳлил қилиб, фуқароларга бизнес режалар таклиф қилади. Масалан, бир ҳудудда чорвачилик ривожланган бўлса, дастур шу йўналишдаги истиқболли лойиҳаларни тавсия этиши мумкин.

2026 йил 1 июлдан “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” дастури доирасида яна бир муҳим ўзгариш жорий этилади. Аввал микрокредит олган ва ўзини ишончли мижоз сифатида кўрсатган тадбиркорлар учун гаровсиз кредитнинг бир қисми 100 миллион сўмдан 200 миллион сўмгача оширилади. Бу, айниқса, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган кичик бизнес вакиллари учун катта имкониятдир. Масалан, кичик тикув цехи очган тадбиркор дастлаб бир неча тикув машинаси билан иш бошлаган бўлса, қўшимча маблағ ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириши ва янги иш ўринлари яратиши мумкин.

Қарор билан “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ кредитларнинг 5 миллиард сўмгача бўлган қисми учун фоиз харажатларини қоплайди. Бу амалда тадбиркорнинг кредит буйича харажатларини камайтириб, бизнесни ривожлантиришга қўшимча рағбат беради. Ҳар йили юқори натижа кўрсатган 100 нафар тадбиркорга 300 миллион сўмгача грант ажратилади. Ушбу маблағлар корхоналарни рақамлаштириш, халқаро стандартларни жорий этиш ва яшил технологияларни қўллашга йўналтирилади.

Умуман олганда, янги ҳужжат билан тадбиркорлик соҳасида қатор энгилликлар, қулайликлар яратилди. Бу орқали маҳаллаларда янгидан-янги лойиҳалар ишга туширилиб, аҳоли бандлиги ўша ҳудуднинг ўзиде таъминланади.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Ҳужжатсиз эгалланган ердан ҳаловат, ҳосилидан даромад топиб бўлмайди

Маҳаллаларда юриб, фуқаролар билан мулоқот қилганимизда кўпмаб масалаларга дуч келамиз. Айрим муаммолар бир қарашда оддий кўринса-да, кейинчалик катта молиявий ва ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Солиқ инспектори сифатида фаолиятим давомида бунга бир неча бор гувоҳ бўлганман.

Бегмуроджон ЙЎЛЧИБОВ, Қўрғонтепа туманидаги “Пахтачи”, “Юсалиш”, “Шоштепа” ва Амир Темур номидаги маҳаллалар солиқ инспектори.

Яқинда маҳалламиздаги фуқаролардан бири билан боғлиқ ҳолат бунга яққол мисол бўла олади. Маҳалла фуқаролари йиғинида ер ва мол-мулк солиқларига оид тушунтириш ишлари олиб бораётганимизда қўшнилари орасида бир масала кўтарилди. Шарофиддин Исоқов бир неча йил аввал уйининг орқа қисмидаги бўш турган ер майдонини девор билан ўраб олиб, ундан томорқа сифатида фойдаланишни бошлаган экан. Дастлаб бу майдон кичик боғ учун ишлатилган бўлса, кейинчалик у ерга қўшимча қурилмалар ҳам қурилган.

Сўхбат давомида фуқаро бу ернинг ўзига тегишли эканига ишонч билан гапирди. Аммо



текширилганда, кадастр ҳужжатларида унинг томорқаси 6 сотих этиб кўрсатилгани, амалда эса қарийб 9 сотих майдондан фойдаланаётгани маълум бўлди. Яъни 3 сотих ер ҳужжатсиз эгаллаб олинган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган эди. Дастлаб фуқаро бунга эъти-

роз билдирди. “Бу ер йиллар давомида бўш ётган эди, ундан ҳеч ким фойдаланмаган”, деди у. Аслида эса ернинг бўш тургани уни ўзбошимчалик билан эгаллаш мумкин, дегани эмас. Ҳар бир ер майдони давлат ҳисобида бўлади ва ундан фойдаланиш қонунчилик асосида амалга оширилиши керак.

Мазкур ҳолат буйича фуқарога амалдаги қонунчилик талаблари тушунтирилди. Солиқ кодексининг 437-моддасига кўра, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларсиз фойдаланилган ёки ҳужжатда кўрсатилганидан ортқ майдон эгалланган тақдирда, ер солиғи белгиланган ставканинг уч баравари миқдориде ҳисобланади.

Бу ҳолатдан қандай хулоса чиқариш мумкин? Кўпчилик “бир неча сотих ернинг нима зарари бор?” деб уйлаши мумкин. Аммо бугунги кунда ер ресурслари қатъий ҳисобга олинмоқда. Ҳужжатсиз фойдаланиш нафақат қонунбузарлик, балки келгусида ортқча харажатлар ва турли низоларга сабаб бўлади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Устав фондига қўшилган мол-мулк даромад ҳисобланадими?

Зоҳид МУРОДОВ. Навоий вилояти:

— Мен ўзимга тегишли бўлган бинони янги ташкил этган корхонанинг устав фондига улуш сифатида киритдим. Энди солиқ идораси ходимлари бунга “мулкни корхона улушига алмаштириш” (реализация) деб баҳолаб, мендан даромад солиғи тўлашни талаб қилишмоқда. Уларнинг ушбу талаби қанчалик қонуний?



Сирожиiddин АҲАДОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Сизнинг ҳолатингизда солиқ ташкилотининг талаби қонунчилик нуқтаи назаридан баҳсли ҳисобланади. Чунки мол-мулкни корхона устав фондига улуш сифатида киритишнинг иқтисодий моҳияти уни сотиш эмас, балки тадбиркорлик фаолиятига инвестиция киритишдан иборатдир.

Солиқ кодексининг 46-моддасига кўра, реализация деб товарларга бўлган мулк ҳуқуқининг ҳақ эвазига бошқа шахсга ўтказилиши эътироф этилади. Яъни реализация мавжуд бўлиши учун нафақат мулк ҳуқуқи ўтиши, балки бунинг эвазига ҳақ ёки тўлов олиниши ҳам талаб этилади.

Мазкур вазиятда сиз ўзингизга тегишли бинони корхона устав фондига киритгансиз. Бунда сизга пул маблағи ёки бошқа кўринишдаги ҳақ тўланмайди. Аксинча, сиз корхона устав капиталидаги улушга эга бўласиз ва келгусида корхона фаолияти натижасига қараб, даромад олиш ёки олмаслик хавфини ўз зиммангизга olasiz. Шунинг учун ушбу амалиётни оддий олдиде битими билан тенглаштириш тўғри эмас.


Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 14-моддасида битимларнинг иқтисодий мазмуни уларнинг юридик шаклига нисбатан устуңлиги тамойили мустаҳкамланган. Унга кўра, солиқ оқибатлари битимнинг ташқи кўринишидан эмас, балки унинг ҳақиқий иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб баҳолашни лозим. Шунингдек, Солиқ кодексининг 7-моддасида солиқ солишининг аниқлиги белгиланган бўлиб, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи шахсда даромад пайдо бўлганда ундирилади.



Агар ер майдони ҳужжатда кўрсатилганидан ортқ бўлса ёки умуман расмийлаштирилмаган бўлса, фуқаролар имкон қадар тезроқ тегишли ташкилотларга мурожаат қилиб, ҳужжатларини тартибга келтиришлари мақсадга мувофиқ.

Негаки, ҳужжатсиз эгалланган ер бугун фойдали кўрингани билан эртага эгасига уч қарра солиқ ва ортқча муаммолар келтириши мумкин.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ

СОДДАЛАШТИРИЛГАН СОЛИҚНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

Сўнги пайтларда 6 фоизлик соддалаштирилган ҚҚС буйича кўпмаб саволлар пайдо бўлмоқда.



Мазкур соддалаштирилган ҚҚС тартиби 2030 йилгача амал қилиши белгиланган. Айланмадан олинган солиқ тўловчиси бўлган савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг йиллик тушуми белгиланган чегарадан, яъни 4,94 миллиард сўмдан ошганидан сўнг улар ҚҚС тўлаш тизимига ўтади. Бундай ҳолатда тадбиркор умумий тартибдаги ҚҚС ёки соддалаштирилган 6 фоизлик ҚҚСни танлаши мумкин. Амалда бу солиқ юқининг 4 фоиздан 6 фоизга ошишини англатади, чунки ушбу тартибда фойда солиғи ставкаси 0 фоиз этиб белгиланган.

Муҳим жиҳатлардан яна бири шундаки, 6 фоизлик ҚҚС тўловчилари харид қилган товар ва хизматлар буйича кирувчи ҚҚС суммаларини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга эмас. Бирок улардан махсуслот ёки хизмат сотиб олган харидорлар ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС суммасини амалдаги тартибда ҳисобга олишлари мумкин.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси жамоаси пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги “Янгиобод” маҳалласи райиси Манзура Валиевага турмуш ўртоғи

Саидгани ВАЛИЕВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



Андижонда 35,1 МИЛЛИАРД СЎМ КЕШБЭК СИФАТИДА ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНГАННИ АНИҚЛАНДИ.



8 июндан бошлаб, ТОШКЕНТ ВА ИССИҚКЎЛ ўртасида мавсумий автобус қатновлари йўлга қўйилади. Чипта нархи — 365 минг сўм.



Ўзбекистоннинг олти чегара божхона постида ХАЛҚАРО АВТОМОБИЛЬ ТАШУВЛАРИ УЧУН рухсатнома бериш пунктлари очилди.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“ЖИНОЯТНИ КУЧ БИЛАН ЭМАС, АҚЛ БИЛАН ЖИЛОВЛАЯПМИЗ”

“Раҳмат” каломини айтиш ҳам, эшитиш ҳам ёқимли. Чунки, бу мамнунлик ифодасидир. Ҳар куни муаммоси ҳал бўлган бирор бир фуқаронинг шу тарздаги миннатдорлиги менга куч беради, касбимдан фахр туяман.



Достонбек ФАРМОНОВ, Фарғона туманидаги “Водил” маҳалласи профилактика инспектори.

Айниқса, кейинги пайтда ўзига хос туризм салоҳияти, сулим табиати билан машҳур маҳалламиз янада кўркам қиёфа касб этганидан шодландик. Янада қувонарлиси, шунчаки чиройли гўша ёки зиёратгоҳ эмас, балки тадбиркорлик ва замонавий инфратузилмага эга, энг муҳими, тинч ва осойишта ҳудудга айланиб бораёпмиз.

Бунинг замирида “еттилик” ходимлари ва аҳоли ҳамкорлиги мужжасам. “Хавфсиз маҳалла” таъминоти асосида жамоат тартибини сақлаш ва профилактикасини яхши йўлга қўйганмиз. Маҳалла раиси бошчилигида низоли оилалар, нотинч хонадонлар ва фуқароларга амалий ёрдам кўрсатаёпмиз. Муаммони имкон қадар эрта аниқлаш ва унга эрта муносабат билдиришга ҳаракат қилияпмиз.

Аслида ҳам, жиноятчилик, зўравонлик ёки ижтимоий беқарорлик ҳеч қачон бирдангина пайдо бўлмайди. Уни келтириб чиқарувчи омиллар аввал кичик аломатлар, этибордан четда қолаётган ҳолатлар, оиладаги ёки ёшлар билан боғлиқ вазиятлар ёхуд қўшничилик муносабатларидаги зиддиятлар сифатида намоён бўлади. Ана шу жиҳатларни тез ва аниқ кўра олиш, унга индивидуал ёндашиш — жазога асосланган услубдан кўра, анча таъсирли ва фойдали бўляпти.



Рақамларга этибор қаратсак, жорий йил “хонадонбай” тарзда 126 нафар хотин-қизлар ва ёшлар дафтаридаги шахсга манзилли кўмаклашдик. Ижтимоий ходим билан ҳамкорликда 8 нафар тазйик ва зўравонликка учраган аёлга “ҳимоя ордери” бердик.

Жиноятчиликни жиловлаш борасида “йўл харитаси” тузиб, аниқ чоралар белгилаб олганмиз. Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида 29 та замонавий камера, 19 та ташвиш тугмаси ўрнатилди. Барча савдо ва хизмат кўрсатиш объектилари кўриқлаш пультага уланди.

Шу ўринда бир муаммо бўйича фикр билдирмоқчиман. Маълумки, марказда жойлашган маҳаллаларда келиб-кетувчи меҳмонлар ҳисобига жиноятлар сони ортади. Бизда ҳам шундай бўлди. Фарғона шаҳрида яшовчи фуқаро бирдангина 4 та савдо дўконига ўғирликка тушди. Жиноят тезкор, жойида фош этилди. Лекин маҳалламизга бирдангина 4 та жиноят расмийлаштирилди. Таклифим, мана шу каби вазиятларда барча жиҳатлар ҳисобга олиниши лозим. Мисол учун, жиноят уни содир этган шахснинг яшаш жойи бўйича қайд этилса, адолатли бўларди.



ТОШКЕНТ Ш.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИМИЗ?

Бир оиланинг бузилиши, эр-хотин ўртасидаги уруш-жанжал, пировардида, бутун жамият ҳаётига салбий таъсир этади. Шу боис маҳаллада оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ажралишларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказиш анъанага айланган. Улар “очиқ мулоқот” дейлади одатда, бироқ “оғир мулоқот” дейиш тўғрироқ, назаримизда. Чунки оилавий муносабатларда тарафларни муросасага келтиришнинг ўзи бўлмайди.

“ОИЛАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТИМИЗ ҲАР ДОИМ ОЧИҚ, АММО ТАРАФЛАРНИ МУРОСАГА КЕЛТИРИШ ЖУДАЯМ ОҒИР...”



Хислатилла ИСМАТИЛЛАЕВ, Шайхонтоҳур туманидаги “Чархновза” маҳалласи профилактика инспектори.

Муаммонинг ечими — тарғибот, тушунтириш ишлари ҳам боғлиқ. Лекин бу — кўроқ тадбирдорликдан йироқ, халқона бўлиши керак. Шу боис ҳар сафарги ийгиликларни ноанъанавий тарзда ташкил этишга интиляпмиз. Унда мутасаддилардан ташқари, фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг судьялари ҳам иштирок этади. Бунинг сабаби бор. Яъни, муаммо ечимида унинг маънавий-ахлоқий жиҳати асосий ўринда эканини инкор

этмаймиз. Бироқ масалага ҳуқуқий нуқта қонун билан қўйилишини ҳисобга олсак, юқоридаги ходимларнинг иштироки бежиз эмаслиги ойдинлашади. Қонун эса фақат ҳуқуқдан иборат эмас. Шу боис, очиқ мулоқотда мажбуриятларга кўпроқ урғу бераёпмиз. Жумладан, ажралишларнинг фарзанд тарбияси, келажаги ва ижтимоий муҳитга таъсирлари тушунтириляпти.

Жараёнда “еттилик” ходимларининг ҳамкорлиги самарадорлики янада оширяпти. Айтайлик, ишсизлик боис келиб чиққан низои ҳоким ёрдамчиси иштирокида хал эътиборида.

лиғига муносиб иш таклиф қилиб, имтиёзли кредит асосида тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашяпмиз. Шу тарзда оилаларни сақлаб қолишга эришяпмиз. Қувонарли жиҳати, бу каби профилактик ишлар натижасида оилавий низолар, ажралиш ёқасидаги оилалар сони камайиб бораёпти. Мисол учун, йил бошидан бери 4 та оиланинг 3 таси яраштирилди. Умуман, 3 йилдирки жиноятчиликдан холи ҳудудмиз.


Сўзим сўнгида бир оғриқли мавзу юзасидан мулоҳазамни айтиб ўтмоқчиман. Яъни, кейинги пайтда оилада эркакларнинг ўрни йўқолиб бормоқда. Эсласангиз, авваллари бу ном соҳибларининг салобати бўлган. Кўп муаммолар ташқарига чиқмаслигида улар ҳал қилувчи эди. Ота — уйнинг тўрида ўтирган, ота — ҳал қилувчи гапни айтган, ота бор уйнинг томига фарзанд чиқмаган! Минг афсуски, бугун шу анъана бузилди.



Фикримча, бу гендер тенглик атамасини нотўғри талқин қилиш оқибатидир. Яъни, шу шиор остида шарқона одоб-ахлоқ ҳисобланган дунёда ҳар бир халқ ўз тарихий анъанаси, урф-одати, маънавий қадриятига суяниб яшайди. Бундай тушунчалар турмуш кечириш жараёнида ҳисобга олиниши керак.

Яна бир муаммоли масала — аёллар яшаб турган тарзда эрлардан алимент ундиришни сўраб, судга мурожаат қилишмоқда. Аксарият ҳолатларда ариза қаноатлантирилмоқда. Натижада оилада келишмовчилик авж олмақда. Таклифим — аёл эридан алимент ундириш жараёнини тартибга солиш лозим.

Маҳаллада мана шу каби муаммоли масалаларга ечим топиш мақсадида ташаббусга қўл урдик. Яъни, маслаҳат гуруҳлари ташкил этиб, имомхатиблар, отин ойллар, психологлар, ибратли оила бошлиқлари иштирокида шундай вазиятга тушиб қолган эр-хотинга зарур тавсиялар бериб бораёпмиз.



Саҳифани «Mahalla» муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Дурбек ТОҶИРОВ. Наманган тумани:

— Маҳалламизда транспорт воситалари юқори тезликда ҳаракатланади. Бу мактабгача таълим ва мактабга қатновчи фарзандларимиз учун хавф туғдирмоқда. Ўзи аслида шу каби ҳудудларда қандай тезликда ҳаракатланиш керак?



Кўчаларда ҲАРАКАТЛАНИШ ТЕЗЛИГИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Бу масалага Вазирлар Маҳкамасининг “Йул ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қароридан аниқ ва батафсил тўхталиб ўтилган. Унга кўра, аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 70 километрдан, тегишли йўл белгилари ўрнатилган мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари етмасдан ва ўтиб кетиб, 300 метрдан кам масофада соатига 30 километрдан, турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудлар(уй-жой бинolari орасидаги ер участкаси)да эса соатига 20 кило-

метрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.

Нуқус ва Тошкент шаҳарларида, вилоятлар ва туман марказларида, шунингдек, шаҳарлар ҳудудида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 60 километрдан оширмасдан ҳаракатланиш мумкин.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ДИҲХХ билан келишилган ҳолда, йўл шароити юқори ва кичик тезликда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлайдиган ҳолларда, йўлларнинг айрим қисмлари ёки ҳаракатланиш тасмаларида тезликни оширишга ёки камайтиришга (тегишли йўл белгилари ўрнатиб) рухсат беради.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини музаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шох кўчаси 59-уй. Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92. Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК Босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 919 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-620

